

Еттинчи салб юриши



11:25 / 04.11.2023 1005

(1248-1250)

Ўн йиллик тинчлик сулҳи муддати тугаши билан салбчилар мусулмонларга қарши бир неча бор ҳужумлар уюштирдилар. 1239 йилда Фаластинда **Наварра қироли Тибо I (1234-1253)** қўшин ташлади, аммо унинг ҳаракати ҳеч қандай муваффақият келтирмади. **Қирол Генрих III (1216-1272)** нинг укаси граф Ричард Корнуэльский қўмондонлигидаги инглиз рицарларининг 1240-1241 юриши нисбатан омадли бўлди. Ричард Миср султони Айюбнинг барча асир христианларни озод қилишига эришди ва ватанига жўнаб кетди. Аммо 1244 йилда Айюб турк ёлланма аскарларидан қўшин тўплаб Фаластинга бостириб кирди, Қудусни эгаллади ва Ғазо ёнидаги жангда салбчиларни мағлуб этди. 1247 йилда мусулмонлар Асқалонни забт этишди. **Папа Иннокентий IV (1243-1254)** нинг даъватига жавобан Франция қироли **Людовик IX (1226-1270)** 1249 йилнинг феврида катта флот билан Марселдан денгизга чиқди ва Мисрга келди. Французлар мусулмонлар ташлаб чиққан Димиётни эгаллашди ва Қоҳира томонга йўл олишди, аммо қуршовга тушиб қолиб, таслим бўлишга мажбур бўлишди. Қўшин оддий таркибининг бари қириб ташланди. Людовик IX катта қийинчилик эвазига сулҳ тузишга эришди ҳамда икки юз минг ливр миқдордаги катта тўлов эвазига озодликка чиқди. Димёт мисрликларга қайтарилди. Қирол Акрага йўл олди ва тўрт йил давомида Сурияда ўзгарувчан муваффақият билан ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. 1254 йилда у Францияга қайтди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.